Ушбу сонда:
2 ИЖРО ИНТИЗОМИ – ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ
3 МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ
4 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 29 июл, сешанба № 116 (1541)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Фахр*

## АКМАЛ ПОЛВОННИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Ўзбекистон кураш миллий федерациясидан хабар беришларича, Туркиянинг Истанбул шаҳрида кураш бўйича «Босфор кубоги» I халқаро турнири бўлди. Ушбу мусобақада икки юзга яқин полвон ғолиблик учун куч синашди.

Юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган полвонлар орасида оғирлиги 81 килограмм бўлган Акмал Усанов барча рақиблари курагини ерга теккизиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Вазни 90 килограммдан оғир полвонлар орасида Иброҳим Каримов финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратди. Бироқ, асосий беллашувда иккинчи ўрин билан кифояланди.

## ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ - БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

***Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик куни тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизда ушбу муборак санани бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу юмушларни адо этиш билан муносиб кутиб олиш хайрли анъанага айланган.***

Истиқлолимизнинг 12 йиллик тўйи тантаналарини кўтаринки руҳда кутиб олишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, айниқса, муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида таъкидлаганидек, ўтган даврда республикамизда кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давом этаётир. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий жабҳалар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Олис ва шонли тарихимизни, неча минг йиллик миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг муборак номлари ва улуғ меросларини эъзозлаш, тиклаш ва абадийлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларимиз ўртасида маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, улар онгу шуурига Мустақилликни қадрлаш ва асраб-авайлаш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, шунингдек, кишиларимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш доимий эътиборда.

Ёш авлодни соғлом ва эркин фикрли, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, олий мақсадимиз - эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини тараққий топган демократик мамлакатлар даражасига кўтаришга қаратилган. Бу йўлда эришган ютуқларимиз эса ана шу буюк мақсад сари дадил одимлаётганимизнинг далолатидир.

Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар Истиқлол шарофати туфайлидир. Шундай экан, халқимиз орзиқиб кутадиган кун - Мустақиллик байрами муносабати билан бу йил ҳам юртимизда кенг миқёсли тантана ва тадбирлар ташкил этилаётгани бежиз эмас.

Айтиш жоизки, асосий эътибор мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган катта байрам тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишга йўналтирилган. Истиқлолимизнинг 12 йиллиги ҳар галгидан ҳам жозибали, шукуҳли, бетакрор ўтиши учун бу ерда барча ташкилий, қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, бадиий-саҳна томошалари тайёргарлиги авжида.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ана шулар ҳақида фикр юритилди.

Ҳар галгидек Президентимиз томонидан комиссия аъзоларига Мустақиллик байрамини ўтказиш борасида берилган аниқ топшириқлар асосида Республика миқёсидаги чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Тадбирлар «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизникидир!» шиори остида ўтказилиши таъкидланди.

Бу йилги асосий байрам тантаналарида истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни, миллий ғоя, ватанпарварлик, фидойиликни мадҳ этувчи, Обод маҳалла йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар, бунёдкор ёшлар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бадиий дастурлар намойиш этилади. Байрам баҳона санъатимизнинг янги қирралари намоён бўлади, янги-янги истеъдодлар кашф этилади. Замонавий куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида байрам тантаналари ҳамда халқ сайилларини ўтказиш учун қизғин ҳозирлик бормоқда.

Байрам арафасида анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Анъанавий «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрамининг якуний концерти ҳамда «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган истеъдодли ижрочиларни тақдирлаш маросими ўтказилади.

Истиқлол байрами тадориги доирасидаги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва илмий-ижодий тадбирлар Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, шунингдек, Нукус шаҳрининг 70 йиллиги юбилейларига тайёргарлик ишлари билан ҳам узвий боғлиқликда олиб борилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий санъат усталари томонидан яратилган энг сара асарлар жамланиб, альбом шаклида чоп этилади. Таниқли ва ёш иқтидорли рассомлар, халқ амалий санъати усталарининг турли кўргазма ва танловлари, фотокўргазмалар ташкил этилади.

Байрам муносабати билан янги ҳужжатли ва видеофильмлар, спектакллар, китоблар яратилади. Янги кутубхоналар очилади.

Таниқли ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, олимлар, санъаткорлар, маънавий-маърифий тарғибот соҳаси ходимларининг қишлоқ меҳнатчилари, ишчи-хизматчилар, ёш авлод вакиллари билан мулоқотлари бўлиб ўтади. Жаҳон ва олимпия чемпионлари, халқаро кўрик-танловлар ғолиблари, Президент стипендияси ва давлат мукофотлари соҳиблари билан ҳам жойларда учрашувлар ўтказиш мўлжалланган.

«Обод маҳалла йили» дастури вазифалари ижросига қаратилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, ободонлаштириш ойлиги, умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилади. Байрам арафасида қуриб битказилган, қайта таъмирдан чиқадиган болалар спорти иншоотларининг тантанали очилиш маросимлари бўлади.

Қутлуғ айём олдидан қариялар ва ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари йўқланади, қаровчиси йўқ кексалар, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундай кенг кўламли тадбирларни ўтказишдан мақсад мустақиллик ва унинг қадр-қимматини, бу сана Ватанимиз тарихида, жамиятимиз ҳаётида, халқимизнинг тақдири ва келажагида нақадар буюк аҳамиятга эга эканини, келгуси авлодларнинг мустақил давлат, ҳур ва озод мамлакат тарқасида бутун дунё, аввало, демократик ҳамжамият билан биргаликда яшашига катта асос ва мустаҳкам пойдевор қўйганини кишиларимизга муносиб тарзда етказишдан иборатдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**(ЎзА)**







Айни чоғда Ғуждувон тумани марказида йўлларни таъмирлаш ишлари кўнгилдагидек олиб борилмоқда Унда Бухоро автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси жамоасининг 171 нафар йўлсозлари иштирок этмоқда. Ҳозир улар 26 километр масофадаги таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказди.

**Суратда: илғор ишчилар А.Зарипов, С.Мирзаев, Қ.Бердиев ва геодезист Ш.Розиқовлар.**

**С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҒАЙРАТИ

***Темир йўлларни мамлакатнинг қон томирларига менгзашади. Бу бежиз эмас. Қон томирлари каби турли томонларга тарқалиб кетган пўлат излардан миллионлаб тонна юк ташилади, мингминглаб йўловчи ўз манзилига етиб олади.***

***Оролбўйи темирйўл тизими ходимлари ҳам бошқа касбдошлари сингари Ватанимиз мустақиллиги байрамини муносиб кутиб олмоқда.***

***Бу ҳақда Қўнғирот минтақавий темирйўл тармоқлари бошлиғи Кўптилеу НУРУЛЛАЕВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***




- Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда темирйўл тармоқлари анча кенгайди. Қурилиши Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган Навоий-Учқудуқ-Мискин-Нукус йўналишидаги темир йўлнинг ишга тушганига икки йилдан ошди. Бу йўлнинг 250 километри Қорақалпоғистон ҳудудидан ўтади. У жанубий туманларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Истиқлол йилларида темирйўллар бўйида ижтимоий инфратузилма ривожланди. Шоҳбекат ва бекатлар, кўплаб турар-жойлар қад кўтарди. Янги линиянинг ишга тушиши муносабати билан эса 559 киши ишли бўлди.

Бугунги кунда Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний, Қораўзак станцияларида янги турар-жойлар қурилиб, ўзига хос мўъжаз посёлкалар бунёд этилди.

Мустақилликнинг 12 йиллик байрами арафасида янги линия бўйлаб Қўнғирот-Нукус-Тошкент йўналишида йўловчи поездлари қатнови йўлга қўйилди. Уларнинг, илгаригидек, Туркманистон ҳудудидан ўтиб, кўп вақт йўқотишига ва ортиқча бож тўловига барҳам берилди.

Янги темир йўл линиясининг фойдаланишга топширилгани республикамиз иқтисодиётига жуда катта даромад келтирмоқда. 2001 йилда ана шу йўл орқали 435 миллион тонна юк ташиб ўтилган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилда 692 миллион тоннани ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган олти ойида эса юк айланиши 1 миллиард 217 миллион тоннага етди.

Минтақавий темирйўл тармоғи бўйича йўловчи ташиш ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ортиб, барча қулайликлар яратилмоқда. Вокзаллардаги кутиш заллари, юк сақлаш хоналари, бошқа маиший хизмат шохобчалари йўловчилар хизматида.

Эришаётган муваффақиятимиз туфайли техникавий салоҳиятни ошириш, ишчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоралари кўрилмоқда. Олаётган даромадимиз ҳисобидан Қўнғирот шаҳрида сузиш ҳавзаси, ёпиқ спорт комплекси ҳамда 1 минг 500 ўринли стадион, Нукус шаҳрида эса 32 хонадонга мўлжалланган турар-жой қуриб фойдаланишга топширилди.

Айни чоғда Қўнғирот шаҳрида 100 ўринли санаторий- профилакторий, Тўрткўл туманида темирйўл алоқа бўлими, Мискин станциясида локоматив ва вагонларга техник хизмат кўрсатиш депоси қурилиши тугалланиш арафасида.

Темирйўлчиларимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги байрамини кўтаринки кайфиятда кутиб олиш учун пухта тараддуд кўрмоқда. Байрам арафасида Душанбе-Астрахан, Андижон-Саратов, Хазорасп-Қўнғирот йўналишлари бўйлаб ҳам йўловчи поездлари қатнови йўлга қўйилди.

**(ЎзА)**

## ИШЧИЛАР МАНФААТИ

### сифат ва унумдорлик калити

***Ўзаро муносабатларнинг барқарорлиги, бундаги тенглик шартномалар билан белгилаб қўйилиши зарур. Замон талаби шунақа. Чунки ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасидаги фаолият юқоридан бошқарилмайди. Ҳар қандай фаолият бўйича қонун доирасида эркинлик бериб қўйилган. Шундай экан, ўзаро шартноманинг тўлиқ бажарилишидан иккала томон ҳам кўзда тутилган даражада манфаат кўради.***

Бу фикрларнинг исботини «Каттақўрғон ёғ-мой» акциядорлар жамияти маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши мисолида кўриш мумкин. 2002 йилда ҳам, жорий йилнинг биринчи ярмида ҳам бутун жамоанинг самарали меҳнати, ҳар ким ўз вазифасини тўлиқ бажариши туфайли ишлаб чиқариш режалари барча кўрсаткичлар бўйича ошириб уддаланди. Маҳсулот ҳажми ортиб, сифати яхшиланди. Ҳатто янги технологиялар ўзлаштирилди. Хусусан, полиэтилен идишларга ёғ қадоқлаш тизими Франциянинг «Стека» фирмасидан сотиб олиниб, ўрнатилди. Россиянинг Краснодар шаҳридан бир суткада 200 тонна кунгабоқар уруғини қайта ишлайдиган ускуналар олиб келинди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш ҳажми, даромад, манфаатдорлик ошишини таъминлайди, албатта.

Молиявий имкониятнинг яхшиланиши ижтимоий ҳимояни кучайтириш, иш ҳақларини ошириш, кам таъминланганларга ёрдам беришга имконият яратди. Хусусан, ўтган йили шу ҳисобдан иш ҳақлари қўшимча равишда 35 фоиз оширилди. Йил якунида умумий ҳисобда 28,8 миллион сўм дивидент тарқатилди. Бундан ташқари ходимларни рағбатлантиришга 15,1 миллион сўм, овқатланиш харажатларини қоплашга 24,1 миллион сўм сарфланди.

- Ишчиларнинг манфаатдорлигини, малакасини оширмай туриб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш қийин, - дейди корхона бош муҳандиси Ю.Токарев. - Шунинг учун бу масалаларга доимо катта эътибор берилади. Ходимларнинг ҳаммаси ҳар йили ишлаб чиқариш курсларида ўқийди, қўшимча ҳунар ўрганади. Ўқувлар самараси ўлароқ, ишчилар дастгоҳлар ишини яхшилаш ёки бирор жараённи такомиллаштириш бўйича кўплаб таклифлар билдиришади. Бундай интилишлар корхонага иқтисодий наф келтириб, пировардида ходимлар даромадини кўпайтиради.

Корхонада иш жойлари талаб даражасида бўлиши доимий назорат қилинади. Ҳимоя воситалари ҳамда махсус кийимдан фойдаланмаслик интизомни бузиш ҳисобланади. Ишчиларга доимий равишда моддий ёрдам сифатида корхона ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотлар арзон нархда берилади. Ишчиларга махсус ажратилган автобуслар хизмат қилади. Энг муҳими, меҳнат таътилига чиқишда, оилавий шароитга кўра, даволаниш зарурати туфайли ёки бошқа ҳаётий эҳтиёж пайдо бўлганда ходимга иш стажига қараб мансаб маошининг 30-150 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилади. Шунингдек, корхонада ишлаб, нафақага чиқиб кетган кишилар ҳам доимо эътиборда. Ўтган йили уй-жой қураётган 4 ходимга корхона ҳисобидан маблағ ажратилди.

- Ишчиларни ва уларнинг фарзандларини дам олдириш, соғломлаштириш борасида ҳам корхонамизда ибратли ишлар қилинаяпти, - дейди корхона касабақўми раиси Анора Қодирова, - Ҳар бир бўлинма ва цехларда дам олиш хоналари, маиший-техник бўлимлар бор. Корхонада тиббий марказ ишлаб турибди. Корхонага қарашли «Фарҳод» болалар оромгоҳида ҳар йили юзлаб болалар дам олдирилади. Бултур 22 нафар ишчи, жумладан, икки нафақахўр «Турон», «Чинобод», Абу Али ибн Сино номли сиҳатгоҳларда дам олишди.

Корхонада жамоа шартномасининг бажарилиши, аниқроғи, ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга ҳавас қилса, ибрат олса арзийди. Шу боис кўзланган мақсадга эришиш бу жамоага муаммо эмас.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

## «БУХОРОБАЛИҚ» ўз нуфузини тиклай оладими?

***Халқимиз балиқни луқмаи ҳалол деб эъзозлайди. Соғлик учун ниҳоятда фойдали, минг дардга даво.***

***Бироқ, балиқ ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни кўпайтириш осон эмас. Соҳа ривожи аввало фидойиликни талаб этади. Ақл-заковат билан иш тутилган жойдагина муваффақиятга эришилади.***

***Хўш, овозаси етти иқлимга кетган «Бухоробалиқ»да аҳвол қандай?***

Рақамларга мурожаат қиламиз: кейинги 2-3 йил ичида вилоятдаги сунъий кўллардан овланадиган балиқ салмоғи 20-25 тоннадан 150-160 тоннага етказилди. 2003 йилда бу кўрсаткични 200 тоннага етказиш тадбирлари белгиланди.

Биз нега айнан сунъий балиқ ҳавзаларидан олинаётган маҳсулот салмоғига эътиборни қаратаяпмиз? Бунинг боиси бор, албатта. Элмурод Шомуродов ушбу жамоага етакчи бўлиб келгач, кўплар учун орзу хаёл бўлган режани амалга оширишга астойдил киришди. Хўжаликнинг «Зарафшон» деб номланувчи сунъий ҳавзасида балиқ чавоқларини етиштириш йўлга қўйилди. Илгари у Тошкент вилоятининг «Чиноз» балиқчилик хўжалигидан келтириларди. Йўл олис, натижада чавоқларнинг ярмидан кўпи нобуд бўларди. Уни шу ернинг ўзида етиштириш ва зоотехника талаблари асосида парваришлаш ижобий самаралар бера бошлади.

Эрта баҳорда сунъий ҳавзаларга қўйиб юборилган карп, чўртан, дўнг пешона, зоғора, оқ амур сингари балиқчалар кеч кузга бориб 1-1,5, ҳатто 2 кило тош босадиган бўлди.

Дастлабки 2001 йилда жами 3-3,5 миллионга етказиб чавоқлар олинган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 11,8-12 миллион донадан ошди. «Зарафшон» сунъий ҳовузлар хўжалигида етиштирилган чавоқлар вилоят ўрамида жойлашган ўнга яқин (Хадича, Девхона, Қорақир, Оғитма, Шўркўл) сув ҳавзаларию табиий кўлларга махсус техника воситалари орқали ташиб, қўйиб юборилмоқда. Бунда иш оилавий пудрат асосида ташкил этилганлиги жуда қўл келаётир.

Лекин ҳаммаси силлиқ кетаётир, дейишга ҳали эрта. Озуқа тақчиллиги муаммоси ишнинг боришига салбий таъсир этаётир. Илгари Чинозда озуқа цехи бор эди. Кўплаб балиқчилик корхоналари озуқани айнан шу ердан олишарди. Бу цех хусусийлаштирилди-ю ишлар тақа-тақ тўхтаб қолди. Аҳволни бартараф этиш жойларда фаолият кўрсатаётган балиқчилик жамоаларининг елкасига тушди. Улар энди табиий озуқа майдонларини барпо этиш эвазига муаммони ҳал қилишга киришдилар. Жумладан, «Бухоробалиқ» ҳам 40 гектар майдонга озуқабоп экинлар экишни йўлга қўйди. Айни пайтда арпа ҳосили йиғиштириб олиниб, ўрнига маккажўхори ва бошқа экинлар экилмоқда.

Маҳсулотни шаҳар ва туман марказларида, чекка қишлоқлар аҳлига эркин тарзда сотиш борасида ҳам талай қийинчиликларга дуч келинаётир. Балиқ овлаш жараёнида қайиқлар, қайиқ моторлари, тўрларни харидорларга махсус савдо нуқталари орқали сотиш йўлга қўйилмаётир. Белгилаб чиқилган дастурга мувофиқ Самоний, Дилкушо, Тўқимачи деҳқон бозорларида (Бухоро шаҳри) замонавий дўконлар фаолият кўрсатиши керак. Аммо, ушбу дўконлар учун махсус жой ажратиш масаласи негадир аччиқ ичакдек чўзилмоқда. Мослаштирилмаган дўкон ёхуд оддий бозордаги балиқ савдосини ташкил этиш эса осон эмас.

Балиқчилик ривожига бир кунда ёхуд бир йилда эришиб бўлмайди. Бунинг учун вақт керак. Қолаверса, жамиятни оёққа турғизишда чет эллар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма корхоналар тузиш мавриди ҳам етиб келган.

Яна бир гап. У ҳам соҳа ривожини кўзлаб қишу ёз меҳнат қилаётган, эл дастурхонини луқмаи ҳалол билан безашга астойдил бел боғлаган заҳматкашлар манфаати билан боғлиқ. Қўшимча тўловлар билан ҳисоблаганда уларнинг ойлик маошлари 15 минг сўмга етмайди. Бу оз, албатта.

2001 йилда жами 618 минг дивидент тўлови чиққан бўлса, 2002 йилда ҳийла кўп, яъни 885 минг сўмни ташкил этди. 2003 йилда бу кўрсаткич 1,2-1,5 миллион сўмга етади, дейишмоқда. Лекин у ҳам 120 га яқин кишини бирлаштириб турган жамоага дарёдан томчи эканини ўз-ўзидан кўриниб турибди. Эҳтимол, тармоқда кадрлар қўнимсизлигининг юқорилиги ҳам шундандир. Устига устак ёнилғи-мойлаш, эҳтиёт қисмлар ажратиш билан боғлиқ муаммоларни тезроқ ҳал этилиши ҳам умумий натижаларга ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмайлик.

Қаердаки рағбат бўлса, ўша жойда унумдорликка умид боғлаш мумкин. Айниқса, балиқчиликдек сердаромад соҳада меҳнаткаш манфаатига беписандлик ярашмайди.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЁШ ФАЗОГИРЛАР МАКТАБИ

***Ўзбекистон Фанлар Академиясида Халқаро ёшлар аэрокосмик мактабининг навбатдаги машғулотлари бошланиши муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Машғулотлар Ш.Воҳидов Халқаро ёшлар аэрокосмик жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Коинот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ташкил этилди.***

Мазкур мактаб ўқувчи-ёшларнинг коинот, астрономия, астрофизика, муҳандислик, компьютер техникаси соҳаларидаги билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва бойитишга хизмат қилиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида унда, юртимиздан ташқари, Марказий Осиё давлатлари, Россия, Польша, Туркия, Озарбойжон, Грузия, Малайзия каби мамлакатларнинг кўплаб иқтидорли ёшлари иштирок этишга муваффақ бўлди.

Халқаро ёшлар аэрокосмик мактабининг бу йилги мавсуми Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилмоқда. Машғулотлар Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Қизилсой» дам олиш масканида ўтади.

Назарий машғулотлар Фанлар академияси илмий текшириш институтлари, илмий марказлар, корхона ва ташкилотларнинг машҳур тадқиқотчилари, олим ва мутахассислар, қолаверса, фазогир-учувчилар Владимир Жонибеков, Солижон Шарипов иштирокидаги қизиқарли маърузалардан иборат бўлади.

9 августгача давом этадиган мактаб дастури авиаракетомоделизм, космик учиш аппаратлари махсус ускуналари синови, орбитал станциялар лойиҳаси, фазовий кемаларни коинотга учиришнинг экологик соф лойиҳасига оид турли-туман қизиқарли амалий машғулотларни қамраб олади. Шу билан бирга турли спорт мусобақалари, жисмоний тайёргарлик машқлари, маданий дастурлар ҳам ўтказилади.

**(ЎзА)**





Пахтакор туманидаги пахтани қайта ишлаш корхонасида 362 нафар ишчи меҳнат қилади. 3 та ишлаб чиқариш бригадасига бирлашган ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилишлари учун бу ерда барча қулайликлар мавжуд. Хомашёсини қайта ишловчи замонавий жиҳозлар ўрнатилганлиги сифатли пахта толасини Буюк Британия ва Швейцария сингари ривожланган давлатларга экспорт қилиш имкониятини бермоқда. Айни кунларда корхонада янги мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳояланмоқда.

**Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**



## БУ ГУЛШАН ИЧРА

Наманганнинг "Гулшан" маҳалла фуқаролар йиғинида яқинда "Оқила қиз" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирда маҳалла аҳли иштирок этди.

Қизлар кўрик-танлов низомида кўрсатилган шартлар асосида ўзи яшаб турган ҳудудни таърифлаш, бадиий ижро, миллий таомлардан бирини тайёрлаш, эгаллаган касбкорлари бўйича чиқишлар қилдилар. Маҳалла хотин-қизлар фаолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ғолибларни аниқлади.

*Касаба уюшмалари — меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси*

***Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантириб, фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, аксинча улар учун кенг имкониятлар яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бунда касаба уюшмалари жамиятимиздаги нодавлат, жамоат ташкилотларининг энг йириги сифатида ўз иш услубларини қайта қурмоқда.***

# ИЖРО ИНТИЗОМИ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, вилоятимиз касаба уюшма фаолиятининг турли жабҳаларига дахлдор қарорлар назоратга олиниб, уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Масалан, 2003 йил 21 февралида бўлиб ўтган раёсат йиғилиши «Ўзбекистон касаба уюшмаларининг III қурултойи қарорларини бажариш борасида вилоят касаба уюшма ташкилотларининг олиб бораётган ишлари ва бу соҳадаги вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Йиғилиш қарорига кўра фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастурини амалга ошириш бўйича тармоқ қўмиталарига кўплаб вазифалар қўйилди.

Айни чоғда меҳнаткашлар ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этила бошланди. Бунда асосий эътибор бандлик, ҳуқуқий саводхонлик, иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш каби масалаларга қаратилди.

Айниқса, касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «Ҳуқуқий ёрдам» маркази ташкил этилганлиги кўпчиликни қувонтирди. Айтиш мумкинки, мазкур марказ хизматидан кўпчилик мамнун. Кенгаш номига келаётган ўнлаб миннатдорчилик мактублари фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ишловчилар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашни ташкил этиш, бу соҳадаги жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларида касаба уюшмалари ва Омбудсманнинг вилоят минтақавий вакиллиги экспертлар гуруҳи фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадидаги тадбирлари эса юқоридаги ишларнинг узвий давомидир.

Ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми юзасидан жойлардаги касаба уюшма қўмиталари, айниқса, туман бўғинидаги тизимларда аҳволни ўрганиб, вилоят Кенгаши раёсат йиғилишларида тинглаб бориш кенг йўлга қўйилмоқда. Ҳозиргача Жиззах, Ғаллаорол, Зомин туман АСМ, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмиталаридаги аҳвол ўрганилиб, муҳокама қилинди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қабул қилинган аксарият қарорлар ижроси раёсат йиғилишида муҳокама қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида ижро интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Масалан, «Жиззах нефт маҳсулотлари» унитар корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ҳуқуқларини ҳимоялаш ва ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишнинг олдини олиш борасидаги ишлари ҳақидаги масала юзасидан кенгаш раёсати қарор қабул қилган эди. Орадан бир йил ўтгач, ушбу масала яна раёсат йиғилишида муҳокама этилиб, қарорнинг асосий бандлари ижроси таъминланмагани учун назоратдан олинди.

**Аъзам ИХТИЁРОВ, Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи**

## 2,5 МИЛЛИАРД СЎМ МИҚДОРИДАГИ ОБЛИГАЦИЯЛАР

2003 йилда Халқаро эмиссия синдикати орқали 2,5 миллиард сўм миқдоридаги корпоратив облигацияларни бешинчи қайта чиқарилиши амалга оширилди, - деди синдикат раҳбари "Carthil investment Co. LTD" шуъба корхонаси бош директори Анвар Расулов "Туркистон- пресс" мухбирига.

Бош директорнинг сўзларига қараганда, корпоратив облигациялар бозори ўз ривожи учун йирик лойиҳаларга эга бўлган корхоналарни жалб этмоқда. Мазкур корхоналар кредит сифатида маблағлар қидирмоқда. Аммо қисқа муддатда банкдан кредит олиш қийин.Сармояни жалб этишни осонлаштириш учун Халқаро эмиссия синдикати орқали корпоратив облигациялар чиқариш анчагина фойдалироқдир. Халқаро эмиссия синдикати орқали корпоратив облигацияларнинг бир неча бор чиқарилиши янги молиявий воситанинг самарадорлигини кўрсатди: эмиссия бирламчи бозорда юз фоиз жойлаштирилди.

.Халқаро эмиссия синдикати вужудга келганидан бери 7 миллиард сўм миқдоридаги корпоратив облигациялар ўнлаб қайта чиқарилди. Эмитентлар орасида "Осиё вест", "Совпластитал", "Макс Хуросон", "Coscom", "Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати", "Паллада Восток" шуъба корхонаси, "Асклепий" компанияси ва бошқалар бор.

Халқаро эмиссия синдикати раҳбари Анвар Расуловнинг айтишича, навбатдаги йиғилишда синдикат таркибига яна икки ташкилот: "Туронбанк" АТБ ҳамда "ТА-ТАТ" МЧЖлар кирди.Шу тариқа, ҳозирда Халқаро эмиссия синдикати таркибида 21 аъзо бор бўлиб, уларнинг 15 таси банклар ва 6 таси инвестиция компаниялари ҳисобланади.

**"Туркистон-пресс"**

## МИКРОКРЕДИТЛАР туфайли тадбиркорлик ривож топмоқда

***«Пахтабанк»нинг Янгийўл туманидаги Гулбаҳор бўлими туманда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ундан кредит олиб, ишлаб чиқариш ва ҳар хил турдаги хизматни йўлга қўяётган ишбилармонлар сони кўпаймоқда.***

Айни кунларда банк бўлимининг мижозлари 570 тага етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мижозлар сони 70 тага ошди, демакдир.

– Хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга, уларнинг ишлари юришиб кетишга ёрдам бераётганимиздан мамнунмиз, – дейди банк бўлими бошқарувчиси Р.Асқаров. – Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари – якка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий фирма ва корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликларига талаб даражасида хизмат кўрсатиш, уларнинг энг яқин ҳамкорига айланиш учун барча имкониятни ишга солмоқдамиз.

Ҳақиқатдан ҳам мижозларининг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес вакиллари бўлгани учун ҳам банк томонидан тадбиркорларнинг ҳар томонлама фойдали, пухта ишлаб чиқилган лойиҳаларини танлаб олиш ва уларни амалда жорий этиш учун кредит ажратишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жорий йилда бундай хайрли иш ҳажми янада кўпаяди. Мисол учун, бўлим томонидан ушбу йил мобайнида кичик ва ўрта бизнес тузилмалари, шунингдек, деҳқон-фермер хўжаликларига 65 миллион сўмдан зиёд микрокредит ажратиш режалаштирилган. Ўтган ойлар мобайнида эса кичик мазкур субъектларга умумий миқдори 40 миллион сўм бўлган микрокредитлар ажратилди.

Бу маблағлардан улар турли хайрли мақсадларда фойдаланишмоқда. Кредитлар ҳисобига чорва моллари, техника ва эҳтиёт қисмлари, уруғлик сотиб олиш орқали ишлаб чиқариш ривожлантирилмоқда.

Энг асосийси, кичик ва ўрта бизнсга ажратилаётган микрокредитлар тадбиркорларнинг бизнес режаларига мувофиқ самарали ишлатилмоқда. Натижада кредитларнинг ўз вақтида фоизлари билан қайтарилиши ҳам таъминланмоқда. Бу, албатта туман иқтисодиётининг ўсиши ҳамда янги иш ўринларининг яратилишига кенг имконият яратяпти.

Наманган шаҳар Меҳнат бўлими аҳолини иш билан таъминлашда кейинги йилларда сезиларли натижаларга эришмоқда.Яқинда шаҳардаги 67 маҳалланинг ишсиз фуқаролари иштирокида 2 та меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 52 та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги бўш ўринлари билан қатнашишди.Шу куни 300 нафар киши ишга жойлаштирилди.

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

- Жорий йилда бўлимга 2669 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этди,- деди шаҳар меҳнат бўлими бошлиғи Бахтиёр Қодиров.-Уларнинг 1738 нафари халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. 928 кишига ишсизлик мақоми берилиб, шундан 50 нафари касбга ўқитишга юборилди. 630 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 16 киши муддатидан олдин нафақага чиқарилди. 232 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Б. Қодировнинг таъкидлашича, шаҳарда янги иш жойларини яратиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан белгиланган 2982 та ўрнига 3004 та янги иш ўринлари барпо этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифасини иш билан таъминлаш мақсадида корхоналарда ажратилган махсус иш ўринларига 369 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда 52 нафар ёлғиз яшовчи кексаларга 14 киши ижтимоий ёрдам кўрсатувчи ходим сифатида ишга жалб қилинди.

**"Туркистон-пресс"**

*Ижтимоий ҳимоя*

***Ургутлик тадбиркорлар Ғайби Ибодуллаев ва Ғайби Темуров туман ижтимоий таъминот бўлими ҳамкорлигида кам таъминланган оилаларнинг 48 нафар фарзандларига хатна тўйини ўтказди. Бундан ташқари, ҳомий ташкилотлар томонидан ногиронларга 9 та аравача, 7 та эшитиш аппарати ва қўлтиқтаёқ, 42 та ҳасса олиб берилди.***

# НОГИРОНЛАР МИННАТДОР

Айни пайтда айрим ташкилотлардаги мутасаддиларнинг лоқайдлиги туфайли ижтимоий масалаларда, хусусан, пенсия ва нафақаларни вақтида бериш бўйича узилишлар бўлаётганлиги сир эмас. Аммо бу муҳим ишга Ургут туманида алоҳида эътибор билан қараляпти. Мавжуд 31 минг 800 нафар пенсионер, нафақахўр, ногиронлар ҳукуматимизнинг амалдаги қонунлари асосида ҳимояланган.

Ижтимоий таъминот бўлими ҳамда ҳомийлар, хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг беғараз ёрдами билан уруш қатнашчилари, байналмилалчилар ва Чернобил ҳалокатида иштирок этганлар ҳол-аҳволидан хабар олиниб, уларга кўмак уюштирилмоқда.

Ш.Рашидов, Ҳамза номли, «Наврўз» ва бошқа кўплаб ширкат хўжаликларининг саъй-ҳаракти билан кам таъминланган оилалар қаторида, ногиронлар, фахрийлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Бундан ташқари яқинда ана шу ширкатларнинг маъмурияти ташаббуси билан 400 нафардан ортиқ пенсионерларга маиший хизмат кўрсатиш турларидан бепул фойдаланиш имкони яратилди.

Фахрийлар саломатлигини ҳимоялаш ва соғломлаштириш ҳам муҳим. Буни ўз вақтида тушунган бўлим мутасаддилари, туман соғлиқни сақлаш тизими ҳамкорлигида жойларга чиқиб, қарияларни тез-тез тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Саломатлигига қараб, уларга йўлланмалар ажратмоқда.

Ўтган ёзги мавсумда тумандаги 50 нафарга яқин нуроний отахон ва онахонлар бундай имтиёздан баҳраманд бўлишди. Жорий йилда эса 74 нафар киши юртимиздаги турли санаторий ва профилакторийларида дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. Ногиронларга етти миллион сўмдан ортиқроқ дори-дармон бепул улашилди.

– Ижтимоий таъминотда малакали хизмат кўрсатиш бўйича ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсат ва унинг мадади ишимизни янада жонлантирмоқда, – дейди бўлим бошлиғи Бекмурод Бердиев. – Ушбу масъулиятли ишга тумандаги барча ташкилотлар, жамғарма ва тадбиркорлар жалб этилган. Пенсионерларни ўз вақтида нафақа пули билан таъминлаб турибмиз. Ҳозирги кунда туман бўйича боқувчисини йўқотган 3010 оила бор. Улар ҳам ҳукуматимизнинг яратиб бераётган шарт-шароитларидан тўла баҳраманд бўлишяпти. Тадбир ва байрамлар уларнинг иштирокисиз ўтмаяпти. Чунончи, Хотира ва Қадрлаш кунида 330 нафар киши 4 миллион сўмдан зиёд моддий қўллаб-қувватланди. 1 июн Болаларни ҳимоя қилиш кунида эса туман ҳокимлиги, маҳалла жамғармаси ва бошқа ҳомийларнинг саъй-ҳаракати билан тадбир ўтказилиб, унда 2450 нафар кишига совға-салом улашилди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг таъкидлашича ҳали бу соҳада қиладиган юмушлар жуда кўп. Шулардан бири шу ернинг ўзида қария ва ногиронлар учун доимий фаолият кўрсатадиган санаторий барпо этиш. Чунки туман сўлим тоғ этагида жойлашган.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири**

*«Ишонч» фош этади*

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

***Ҳукуматимизнинг четдан олиб келинаётган товарларни тартибга солиш тўғрисида чиқарган махсус қароридан кейин божхона ходимларининг масъулияти янада ошди. Мамлакатимизнинг барча ерларида бўлгани сингари, Хоразм вилоятидаги бозорлар ҳам маҳаллий, сифатли товарлар билан тобора тўлиб бормоқда.***

Воҳа бозорларига сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олишда Хоразм вилояти божхона бошқармаси ходимларининг муносиб хизматлари бор. Шу йилнинг олти ойида улар томонидан 617 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 160 миллион сўмлик сифатсиз товар тўхтатиб қолинди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим фуқаролар орасида божхона назоратини четлаб ўтиб, мўмай даромад орттиришга уриниш ҳолатлари содир бўлиб турибди. Ана шундайлардан бири Тошкент шаҳридаги Чилонзор тумани «Дилхуш» кўчасида яшовчи Шавкат Нуруллаевдир. У 5,3 миллион сўмлик 788 дона хорижда ишлаб чиқарилган жинси шимларни ҳужжатсиз, божхона назоратидан яширган ҳолда вилоят ҳудудига олиб кирган пайтда тўхтатилди. Унга тегишли бўлган мол-мулклар давлат фойдасига мусодара қилиниб, ўзи жиноий жавобгарликка тортилди. Ромитанлик Қондиёр Боқиев эса ўзининг «Нексия» машинасида ноқонуний равишда 265,2 минг сўмлик «Пине» сигареталарни вилоятга олиб келган пайтида қўлга тушди. Омон Матёқубов «Камаз» русумли автомашинада ҳужжатсиз 9 миллион 464 минг сўмлик ҳар хил турдаги халқ истеъмол молларни олиб келаётганда ушланди. Унинг юклари мусодара қилиниб, 544 минг сўм жаримага тортилди.

Хазорасп туман марказида яшовчи Назира Отамуродова инсонлар соғлиғига жиддий таъсир қилувчи «оғу»ни арзон олиб, қиммат сотиш ниятида вилоятга олиб киришдан ҳам тоймади. Тергов давомида Назира гиёҳвандлик моддасини ўзига нотаниш бўлган туркманистонлик фуқародан сотиб олганини айтди. Шовот туманидаги «Ўзбекистон» божхона пунктининг сергак ходимлари вилоят ҳудудига пиёда кириб келаётган аёлни тинтув қилиб, унинг ёнидан 159 грамм героин топиб олдилар. Қилмиши учун Назира Отамуродова 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бундан ташқари қўшни Туркманистон республикасидан шу йилнинг олти ойи давомида нефт маҳсулотларини олиб ўтиш билан боғлиқ 257 та холат содир қилинган. Натижада 10,5 миллион сўмлик нефт маҳсулотлари мусодара қилиниб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

**Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Термиз шаҳридаги «Истиқлол» савдо марказида спорт кийимлари ва анжомлари ёйма савдоси ташкил этилди.

Сотилаётган болалар кийимлари ва спорт анжомлари харидорларга манзур бўлмоқда. Айниқса, Қашқадарёдаги «Санам», «Қаштекс», Хоразмнинг «Гурлан», «Хоразм», «Феруза» каби ҳиссадорлик жамиятларида тикилган ўттиздан ортиқ турдаги болалар спорт кийимлари савдоси чаққон бўляпти. Шунингдек, ёйма савдо расталарига қўйилган бошқа спорт товарларига ҳам талаб катта. Муҳими, уларнинг барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилган.

## БЕМОРЛАР БЕПУЛ ДАВОЛАНАДИ

Самарқанд тиббиёт институтининг кўз касалликлари шифохонаси ҳузурида кўз касалликларини лазерли микрохирургия усули билан даволаш халқаро маркази ташкил этилди. Марказ институтнинг офтальмология кафедраси ҳамда «Кристоффель-Блиндемиссион» халқаро инсонпарварлик ташкилоти ҳамкорлигида ишга туширилди. Марказга Германиянинг «Цейсс» фирмаси ишлаб чиқарган замонавий офтальмологик лазеркогулятор ўрнатилди.

Марказда беморлар бепул даволанади. Унда юқори малакали шифокорлар меҳнат қилмоқда.

**(ЎзА)**

***Бюджетга пул тушумларини кўпайтиришда жойлардаги «Сувоқава» бошқармаларининг аҳамияти катта. Хўш, шундай экан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва тўловларни ўз вақтида амалга оширишда Андижон вилоятидаги аҳвол қандай?***

# ДАСТУР РЕЖАСИ нега бажарилмаяпти?

– Очиғини айтганда, – дейди вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Жўрахон Сапохонов, – кўрсатилган хизматлар учун корхонанинг дебиторлик қарзи йил бошидан бери 21 миллион 947,5 минг сўмга кўпайди. Бунинг асосий сабабларидан бири баъзи саноат корхоналарининг тўла қувват билан ишлай олмаётганлиги, тўлов қобилиятининг пастлиги бўлса, иккинчиси, шунингдек, бошқарманинг ўз имкониятларидан тўла фойдаланмаётганлигидадир. Шунга қарамасдан қарзларни пасайтириш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ташкилот, корхоналар, аҳоли огоҳлантирилмоқда. Ашаддий қарздорлар сув тармоғидан узиб қўйилмоқда. Тушумларни таъминлаш бўйича муҳандис ва техник ходимлар маҳалла фуқаролар йиғинларига масъул қилиб бириктирилиб, бажарилган ишлар ҳар ҳафта муҳокама қилинмоқда. Пул тушумлари режаларини бажаришда қолоқликка йўл қўйган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган таъсир чоралари кўрилмоқда. Жумладан Олтинкўл, Бўз, Марҳамат туманлари, Андижон шаҳри «Сувоқава» корхоналари раҳбарлари келгусида белгиланган режаларни бажара олмасалар, эгаллаб турган вазифаларидан озод қилиниши уқтирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги уй-жой фондини сувни ҳисоблаш приборлари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан 1999-2004 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Унга асосан мавжуд 76 минг 510 аҳоли хонадонларига сув ҳисоблаш ускуналари ўрнатиш режалаштирилган.

Бироқ, шу йилнинг 1 июн ҳолатига вилоят бўйича 2919 та сув ҳисоблагич ўрнатилди. Дастур режаси 3,8 фоизга бажарилди, холос. Корхона маъмурияти бу борадаги режанинг бажарилмаётганлигини маблағ ресурслари механизмининг ноаниқлиги билан изоҳламоқда. Жумладан, 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун «Ҳамкорбанк»ка мурожаат қилинди. Айланма маблағ ташкил қилиш учун қайтариб бериш шарти билан бюджетдан 200 миллион сўм пул маблағ ажратиш бўйича молия бошқармасига таклиф билан чиқилди.

Агар шу мурожаатлар юқоридаги банк ва молия бошқармаси томонидан бу хайрли иш қўллаб-қувватланганда эди вазифани бажариш янада жадаллашган бўларди.

**Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири**

